Машина терими ҳозирги даврда поток усулида олиб борилмоқда. Колхоз (совхоз) ва тайёрлов пункти — эндиликда бирдан-бир технологик занжирнинг звеноси бўлиб қолди. Тайёрлов пунктлари ва пахта заводларининг ходимлари, биз сизларга мурожаат қиламиз: юбилей йили ҳосилини қабул қилишга ҳамда қайта ишлашга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш ишларини тезроқ тугаллаш учун барча чораларни кўрингиз. Шунга эришайликки, терилган пахта тўхтовсиз қабул қилиб турилсин, пахта яхши сақлансин ва қайта ишлансин.

[Республиканинг илғор механик-ҳайдовчилари Мурожаатидан]

ПАХТАКОР! ТЕРИМ БОШЛАНИШИГА САНОҚЛИ КУНЛАР ҚОЛДИ ● ТЕХНИКАНИ ТЕЗРОҚ ШАЙЛА, ХИРМОНЛАРИНИ, ТОШ-ТОРОЗИЛАРИНИ ҲОЗИРЛА, ЙЎЛЛАР ВА КЎПРИКЛАРНИ ТУЗАТ, СУШИЛКА ХЎЖАЛИГИНИ ТАРТИБГА СОЛИБ, ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ ТАХТ ҚИЛИБ ҚЎЙ ● Пахта теримига ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўр!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

14 ИЮЛ ЧИҚИШИ

№ 164 (3646).

20 АВГУСТ ЯКШАНБА 1967 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Полярная звезда» колхози механизаторлари пахта терими мавсумига астойдил тайёргарлик кўрмоқда. Суратда: (чапдан) Т. Эшов, С. Маатов ва Ж. Салимов ўртоқлар.

С. Махов фотоси.

БУНКЕРДАН 100 ТОННА

Августнинг долзарб кунларида биз янада ғайрат кўрсатяпмиз. Пахтакорларимиз ўзларига биркитилган майдонлардаги ғўзаларга ой охиригача қўшимча яна бир марта ишлов бериш ва барча бегона ўтларни тагтомири билан батамом қириб ташлаб, машина теримига ҳозирлик кўришга ҳаракат қилишмоқда. Мен трактор билан қатор ораларига имкони борича ишлов бераяпман. 40 гектар майдонимиз шу кунга қадар 5 марта узунасига ва кўндаланигига ишловдан чиқарилди. Ўз вақтида озиқлантирилди. Чеканка сифатли ўтказилди. Шунинг учун ҳам ғўзаларимизнинг ҳосил тўплаши чакки эмас. Ҳар гектар ердан мажбуриятни қоплайдиган даражада ҳосил етиштираяпмиз.

Яқинда мен илғор механик-ҳайдовчиларнинг ҳамкасбларимизга қарата чиқарган Мурожаатини газетадан ўқидим. Айни муддао гаплар айтилган. Ҳақиқатан ҳам ҳосилни тез ва уюшқоқлик билан йиғиштириб олишда пахта териш машиналарининг хизмати катта бўлиши керак.

Биз деярли ҳамма ҳосилни «зангори кема»лар билан йиғиштириб олишимиз. Мен ҳам механизаторларнинг Мурожаатини қўллаб-қувватлаб, мавсумда юз тонна пахта териб бериш мажбуриятини олдим. Албатта сўзимнинг устидан чиқаман.

Биз қатор орларига ишлов беришни давом эттирган ҳолда йиғим-теримга ҳам пухта тайёргарлик кўраяпмиз. Долзарб мавсумни бекамкўст кутиб оламиз.

Х. КАНТАЕВ,
Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг звено бошлиғи, механик-ҳайдовчи.

МУРОЖААТГА ЖАВОБАН

Илғор механик-ҳайдовчиларнинг Мурожаатини Янгийўл районидаги Оҳунбобоев номли колхоз механизаторлари зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдилар ва ўзларининг бундан кейинги ишлари учун режа тузидилар.

Механизаторлар ҳамкасбларининг чақиригига жавобан ўз зиммаларига юксак мажбуриятлар олдилар. Сарвар Шохбозов, Камол Юсуфаҳмедов, Валихўжа Саидов, Алим Эшонқулов каби механик-ҳайдовчилар йиғим-теримда фаол қатнашишга ва ўзларининг зангори кема»лари бункеридан 120—125 тоннадан «оқ олтин» тўкишга сўз бердилар. Колхоздаги бошқа механизаторлар ҳам терим машиналарининг унумдорлигини ошириш ва камида 80 тоннадан пахта териб бериш мажбуриятини олдилар.

Сўзининг устидан чиқиш учун курашаётган механизаторлар шу кунларда янада баракали меҳнат қилишмоқда. Улар ҳосилга ҳосил қўшишни давом эттириш билан бир қаторда «зангори кема»ларни теримга шайлаб қўйишмоқда.

Г. ЮСУПОВ,
Р. ХОЛДОРОВ.

ТАЖРИБА ПАХТА ЗАВОДИ

ТУЙТЕПА (ЎзТАГ). Ўрта Чирчиқ районидаги Бектемир посёлкасида қурилган Ўзбекистонда биринчи тажриба пахта тозалаш заводида ускуналарни монтаж қилиш тугади. Завод СССР Госплани ҳузуридаги енгил саноат давлат комитети давлат лойиҳа институтининг лойиҳаси асосида қурилди. Пахта саноати марказий илмий-тадқиқот институтининг мутахассислари бу корхонада машинада терилган пахтани тозалашнинг янги технологиясини ишлаб чиқадилар ва синаб кўрадилар ҳамда ишлаб чиқариш процессларини автоматлаштириш ва механизациялаш юзасидан иш олиб борадилар. Тажриба заводини Улуғ Октябрнинг 50 йиллигигача фойдаланишга топширишга қарор қилинди.

БАРАКАЛИ ҲОСИЛ

ЯНГИЙЎЛ. («Тошкент ҳақиқати» мухбиридан). Калинин номли колхоз меҳнаткашлари хўжаликни ҳар тарафлама ривожлантириш йўлида астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бу ерда пахтадан ва сабзавотдан мўл ҳосил етиштиришда ажойиб ютуқлар қўлга киритилмоқда. Колхозчилар ғўза қатор ораларига ишлов беришни тўхтовсиз давом эттириб, баракали ҳосил тўпламоқдалар. Шу билан бирга сабзавот экинлари ҳам меҳр билан парвариш қилинмоқда.

Колхозда 170 гектар ерга помидор кўчати ўтказилган эди. Сабзавотчилар уларни меҳр билан парвариш қилиб, кутилгандан анчагина ҳосил етиштирдилар. Ҳар бир гектар ердан ҳозиргача ўзидаёқ 15 тоннадан помидор узиб олинди. Сабзавоткорлар давлатга 1020 тонна помидор топшириб, йиллик планни ошириб бажардилар. Колхозчилар шу кунга қадар ўтган йилдаги жами топширилган помидорга қараганда икки баравар кўп ҳосил олдилар.

Орифхўжа Мирхўжаев бошлиқ звено аъзолари давлатга помидор сотиш планини 10 августда ортиғи билан бажардилар. Ҳозир улар пландан ташқари маҳсулот сотишни давом эттирмоқдалар. Мирзаахмад Мирзаев, Юсуфбек Туймабоев каби пешқадам звеноларда ҳам помидордан мўл ҳосил олинмоқда.

Колхозчилар ўз имкониятларини ҳисоблаб чиқиб, пландан ташқари қўшимча 700 тонна помидор сотишга аҳд қилдилар.

Колхозда бақлажон, пиёз ва ва бошқа сабзавот экинларидан ҳам баракали хирмон кўтарилмоқда.

Юбилей йили вахтасида туриб ишлаётган чорвадорлар ҳам ажойиб ютуқларни қўлга киритишмоқда. Улар чорва моллари боқимини яхшилаб, давлатга гўшт сотиш йиллик планини муддатидан олдин бажарганликлари ҳақида ғалаба рапорти бердилар.

БАЙРОҚЛАР ТОПШИРИЛДИ

18 августда область партия комитетида сабзавот, картошка, полиз экинлари маҳсулотларини сотиш ва топшириш планини турлар бўйича бажариб, социалистик мусобақада 1 августгача яхши натижаларга эришганлиги учун область, Калинин районидаги Оржоникидзе номли колхозга, шу райондаги «Келес» совхозига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини топшириш маросими бўлди.

Кўчма Қизил байроқларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари ўртоқ А. С. Абдалин топширди.

МАШИНА ТЕРИМИГА КЕНГ ЙЎЛ

Пахта — ўзбек халқининг миллий нефтихори, шон-шуҳрати, СССР халқлари ягона, қардошлик оиласидаги дўстлигимизнинг ёрқин рамзидир. Пахта — Ватанимизнинг бебаҳо бойлигидир.

Ўзбекистон Совет Иттифоқининг асосий пахта базаси ҳисобланади. У Иттифоқ миқёсида етиштирилаётган «оқ олтин»нинг 70 процентини беради. Бизда пахтачиликни ривожлантиришга жуда катта аҳамият берилмоқда. Шунинг учун ҳам бу қимматли хомашёни тайёрлаш йил сайин ортиб бораётир. Ўтган йили пахтачилигимиз тарихида мисли кўрилмаган улкан ютуқлар қўлга киритилди: республикада 4.082.000 тонна пахта терib олинib, Ватанга армуғон этилди. Ҳар гектар ердан олинган ҳосилдорлик 25,1 центнерни ташкил этди. Бултур машина теримига ҳам жуда катта аҳамият берилиб, 1.329.000 тонна «оқ олтин» бункерлардан тўкилди. Илгари ҳеч қачон бунчалик кўп пахта машиналар билан териб олинган эмас.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати пахтачиликни тобора ривожлантириб бориш, унинг ҳосилдорлигини муттасил ошириш, пахтанинг таннархини арзонлаштириш, пахтачилик билан машғул бўлган колхозлар ва деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш, улар учун энг қулай шароитлар яратиб бериш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилмоқдалар.

Маълумки, пахта етиштириш қишлоқ хўжалигининг энг кўп меҳнат талаб қилинадиган, сермашаққат ва оғир соҳаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам бу соҳани комплекс механизациялаштириш, оғир қўл меҳнатини машиналар зиммасига юклаш юзасидан республикамизда жуда катта амалий ишлар олиб борилмоқда. Кейинги йилларда қўлга киритилган ютуқлар бу йўлнинг тўғрилигини кўрсатмоқда. «Машина — деҳқоннинг қаноти» дейдилар. Бу ҳақ гап. Машинада ҳикмат кўп. Нега деганда, у оғир иш жараёнини енгиллаштиришдан ташқари, жуда кўп ишчи кучларидан бошқа мақсадларда фойдаланиш, пахтани тез ва қисқа фурсатда териб олиш, унинг таннархини арзонлаштириш, деҳқонларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш имконини беради.

Яқинда матбуотда республикамизнинг бир группа илғор механик-ҳайдовчилари Ўзбекистондаги барча механик-ҳайдовчиларга, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига, қишлоқ хўжалик мутахассисларига қарата мурожаат билан чиқдилар. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бу ватанпарварлик даъватини қизғин маъқуллаб, қарор қабул қилди. Қарорда область ва район партия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг бошланғич партия ташкилотларига ушбу мурожаатни механизаторлар, колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ўртасида кенг муҳокама қилиш ҳамда машина теримини намунали ўтказиш, Улуғ Октябрнинг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ҳамма жойда социалистик мусобақани янада кенг қизитиб юбориш таклиф қилинди.

Ҳозир жойларда шу қарор ва мурожаат асосида иш олиб борилмоқда. Механик-ҳайдовчилар ўз режаларини қайтадан кўриб чиқиб, янги марраларни белгилаб олмоқдалар. Техника ремонтини тезроқ тугаллаш, машина теримини уюшқоқлик билан бошлаб юбориш чоралари кўрилянти.

Республикамиз механизаторлари юбилей йилида 1.500.000 тонна пахтани машиналар билан териб оламиз, демоқдалар. Бу — жуда катта жасорат, ажойиб ватанпарварлик намунасидир. «Юбилей йилида, — дейилади илғор механик-ҳайдовчиларнинг мурожаатида, — янги марраларни эгаллашимиз, пахта териш машиналари билан камида 1 миллион 500 минг тонна «оқ олтин»ни йиғиштириб олишимиз керак. Ўзбекистон қишлоқ хўжалик механизаторларининг юбилей йилида қабул қилган мажбуриятларида худди шундай деб ёзилган. Ана шу сўзимиздан бирор қадам ҳам чекинишга ҳақимиз йўқ. Механизаторларнинг сўзи қоялардек мустаҳкам бўлмоғи учун, ҳосилни механизмлар ёрдамида териб олишда юбилей йили янги муваффақиятлар йили бўлмоғи учун биз, қадрли ўртоқлар, сизларга мурожаат этишга қарор қилдик. Катта ва масъулиятли вазифани бажариш тақдири сиз билан бизнинг қўлимизда. Агар ҳар биримиз ўз бурчимизни адо этсак, янги маррани эгаллаймиз ва ажойиб меҳнат ғалабаси тўғрисида Ватанга шонли юбилей арафасида рапорт бериш каби фахрли ҳуқуққа эга бўламиз».

Механизаторлар мурожаатида ҳар бир машина билан мавсумда камида 70—80 тоннадан пахта териб олиш вазифаси қўйилган. Областимизнинг колхоз ва совхоз механизаторлари, бизнинг кўп сонли моҳир механизаторларимиз бу мурожаатни қизғин кутиб олдилар ва унга жавобан ўзларининг янги режаларини тузмоқдалар. Масалан, Оққўрғон районидаги «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг механизатори М. Давлетов илғор механизаторлар чақиригидан илҳомланиб, мавсумда 180 тонна «оқ олтин»ни пўлат агрегат бункеридан тўкишга сўз берди. Янгийўл районидаги «Қизил Октябрь» колхозининг механизаторлари С. Тўрдиалиева, П. Умматов, Р. Исҳоқов 130—150 тонна, Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхозининг механизаторлари Г. Фатгиддинов, Ш. Жунов 120 тонна пахтани машиналар билан териб олмоқчилар. Бундайлар областимизнинг колхоз ва совхозларида кўплаб топилади.

Ҳозир ҳар бир хўжалик етиштирилаётган ҳосилнинг асосий қисмини машиналар билан териб олиш йўлини тутмоқда. Бунинг учун терим агрегатлари, прицеплар ва хирмонларни тайёрлаш, техника ремонтини жадаллаштириш, пахта майдонларини машина теримига мослаштириш чоралари кўрилаётир.

Аммо бу соҳада ҳали камчиликлар мавжуд. Пахта терими яқинлашиб қолганига қарамай, айрим жойларда техника ремонтининг оқсаши, мавсумга пухта ҳозирлик кўрмаслик ҳоллари рўй бераяпти. Янгийўл районида 472 та «ХТ-1,2» агрегатидан атиги 302 таси, 152 та «ХВС» машинасидан фақат 80 таси ремонтдан чиқарилган, холос. Оққўрғонда ҳам терим машиналарини мавсумга шайлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. «Узсельхозтехника»нинг область бирлашмаси колхоз ва совхозлардаги терим агрегатлари, тракторлар ва бошқа механизмларни запас қисмлар билан етарли равишда таъминламаётир. Бу хил камчиликларни тезлан тугатмоқ керак.

«Машина теримига кенг йўл!» — бу пахтакор ва механизаторларимизнинг шу кунлардаги жанговар шиоридир. Маҳаллий партия, совет ташкилотларининг, колхоз ва совхоз раҳбарларининг вазифаси машина теримига пухта ҳозирлик кўришдан, техника ремонти ишларини жадаллаштиришдан, бу соҳада йўл қўйилаётган камчиликларни зудлик билан тугатишдан, ҳар бир хўжаликда ҳосилнинг асосий қисми «зангори кема»лар билан териб олинишига эришишдан иборат.

Ишни шундай ташкил этайликки, терим қисқа фурсатларда тез ва соз ўтказилсин, ҳар бир хўжалик ўз зиммасига олган юбилей йили социалистик мажбуриятини шараф билан бажарсин.

Улуғ Октябрнинг шонли 50 йиллик юбилейини меҳнатда улкан зафарлар билан кутиб олайлик!

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

ПЕШҚАДАМЛАР

Нон заводи ой сайин планни ортиғи билан бажариб келяпти. Нон ва булка маҳсулотлари сифати ҳам тобора яхшиланмоқда.

Заводнинг муздек ичимликлар цехи иши мақтовга лойиқ. Тошкент минерал суви бу ерга цистерналарда олиб келинади ва газ берилиб шишаларга қуйилади. Цех ишчилари ҳар куни ҳосилга 20 минг шишадан ошириб Тошкент минераль суви етказиб беряпти. Фақат бир ойнинг ўзида 15 тонна квас тайёрланди.

Муздек ичимликлар тайёрлаш цехи ишчилари ўзаро мусобақани қизитиб юбордилар.

ХОРДИҚ ЧИҚАРИБ ҚАЙТИШДИ

Электрохимия комбинатининг дам олиш уйи Оқтошнинг тўзал ва баҳаво ерларидан бирига жойлашган. Бу ерда ҳар йили корхонанинг юзлаб ишчи ва хизматчилари ҳордиқ чиқариб, дам олишади.

Бу ернинг соф ҳавоси, сўлим боғи кишини ўзига мафтун этади. Жуда яхши жиҳозланган дам олиш уйида вақтингизни мазмунли ўтказишингиз учун ҳамма қулайликлар муҳайё. Гир-гир эсиб турган шабадада фонтан атрофида сайр қилишнинг, спорт майдончасида, шахмат, теннис столи устида бахслашишнинг ўзгача файзи бор.

Бу йилги мавсумда уч юздан ортиқ киши дам олди, яна икки юздан ортиқ кимёгар меҳнат отпускасини шу сўлим ерда ўтказади.

ТОШКЕНТЛИКЛАР УЧУН

Чирчиқликлар тошкентликларга бир нечта кўп қаватли турар-жой бинокорларини совға қилишди.

Чирчиқ қурилиш материаллари ва конструкциялари заводи ярим йил мобайнида Тошкентга 5960 куб метр темир-бетон маҳсулотлари жўнатди. 9-гишт заводи икки ойда тошкентлик бинокорларга ярим миллиондан ортиқ гишт етказиб берди.

160-қурилиш трестининг бинокорлик материаллари комбинати ҳар куни Тошкентга ўнлаб машинада темир-бетон маҳсулотлари, гишт жўнатиб турипти.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг штатсиз мухбири.



ЎРТА ЧИРЧИҚ районидаги «Северний маяк» колхозида бу йил биринчи марта каноп экилди. Шунга қарамай аъзамат колхозчилар канопдан юқори ҳосил етиштириш учун унинг агротехникасини ўргандилар. Илғор хўжаликларнинг тажрибаларини жорий қилдилар. Натижада канопдан мўл ҳосил етиштирилди. Жумладан йиғим-терим қизғин давом этаётган Андрей Пак бошлиқ бригадада ҳозир ҳар гектар ердан 150—170 центнердан каноп ҳосили олинмоқда. Каноп ҳосилини йиғиб олишда Лида Ли, Самуил Ким сингари колхозчилар айниқса яхши меҳнат қилмоқдалар. Суратда: Андрей Пак бошлиқ бригадада луб ҳосилини йиғиб олиш пайти.

Қ. Розиқов фотоси,
(ЎзТАГ фотохроникаси).

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИДАН

Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети генерал-майор, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг граждан мудофааси бўйича ёрдамчиси Анатолий Андреевич КРАСНОВнинг 1967 йил 19 августда 61 ёшида тўсатдан вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдирадилар.

МУСОБАҚА ВА КОММУНИСТЛАР

Районимиз меҳнаткашлари зиммасига шаҳар аҳолисига сабзавот, картошка, мева ва гўшт, сут сингари ноз-неъматлар етказиб беришдек масъулиятли вазифа юклатилган. Партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари, коммунистлар ҳар бир тадбирни амалга оширганда ана шу вазифанинг муваффақиятли бажарилишини кўзда тутиб, ишламоқдалар.

Район партия комитети ҳам бу соҳада кейинги пайтларда катор тадбирларни кўрди. Бошланғич партия ташкилотлари, айрим хўжаликлар, ишбилармон кадрлар билан мустаҳкамланди. Энг муҳими шуки, район партия комитети социалистик мусобақада расмиятчиликка йўл қўймаслик, бу соҳада коммунистларнинг ташаббускорлигини оширишга катта эътибор бермоқда. Шу туфайли ҳам колхозлараро, бригадалараро тузилган мусобақа яхши натижалар бермоқда. Мусобақа ташаббускорлари коммунистлар ҳамкорлигида иш олиб бориб, районнинг умумий юксалишига катта ҳисса қўшмоқдалар.

Юқорида хўжаликларни кадрлар билан мустаҳкамлашга катта эътибор берилмоқда, деб айтдик. Мана бир мисол. Ильич номли колхоз узоқ йиллар оқсаб келди. Планлар бажарилмас, даромад эса паст бўларди. Бу колхозга райком инструктори, тажрибали партия ходими Ўртоқ Р. Азимов ишга юборилди. Тез орада у кўпчиликнинг ҳурматини қозона олди. Коммунистлар ўзларининг йиғилишларида уни партия комитетига секретарь қилиб сайладилар. Янги секретарь ишни коллективчилик асосида йўлга қўйди. Колхоз правлениеси, комсомол ташкилоти ва омма билан алоқани мустаҳкамлади. Колхоз партия комитети бригада ва участка бошланғич партия ташкилотларига таяниб, муҳим ташкилий-сиёсий масалаларни изчил ва ишчан ҳал этмоқда. Бу хўжаликда 82 коммунистдан 66 киши бевосита далачилик ва чорвачиликда меҳнат қилаётир. Улар ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш соҳасида намуна кўрсатмоқдалар.

Аввал колхоз ҳисобланиб келган Алишер Навоий номли колхоз ҳам ҳозир юксалиш йўлидан бормоқда. Ишлаб чиқаришда катта тажриба орттирган коммунист Н. Саидов колхозга янгидан раис қилиб сайланган, партия ташкилоти билан алоқани мустаҳкам йўлга қўйди. Бу колхозда партия комитетининг секретари ҳам янгидан сайланди. Партком секретари Ўртоқ С. Бўронбоев ҳар бир коммунистнинг ҳам меҳнатда, ҳам турмушда олдинги сафда бўлишига эришаётир. Яқинда колхоз коммунистларининг йиғилишида партия аъзосининг масъулияти, юксак бурчи ҳақида гап очилиб қолди. Коммунистлар маъмурий-идора ва механизация бригадаси бошланғич партия ташкилотининг фаолиятсизлигини танқид қилдилар. Ушбу бошланғич партия ташкилоти ишни янгича ташкил этиб, коммунистлардан иборат зарбдор бригада тузди. Бу бригада ишлаб чиқаришнинг оқсаётган участкасига бориб, аҳволни тузатишга ёрдам бера бошлади. Жумладан, уларнинг кучи билан 45 гектардан ортиқ лавлаги бегона ўтдан тозаланди. Маккажўхорига ишлов берилди ва бошқа тадбирлар амалга оширилди. Бу ўринда М. Абдуазимов, А. Абдувалиев, М. Мирзакаримов каби коммунистларни алоҳида айтиб ўтиш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг V пленумидан кейинги даврда бошланғич партия ташкилотларининг ташкилий-сиёсий фаолиятида кескин бурилиш рўй берди. Ҳозирги кунда районимизда 137 участка бошланғич партия ташкилоти, 71 партия группаси иш олиб бормоқда. Кейинги вақтларнинг ўзида 20 дан ортиқ участка бошланғич партия ташкилоти, 38 партия группаси тузилди. Уларнинг хўжалик сиёсий

ПАРТИЯ ҲОДИМИ МИНБАРИ

ва маданий қурилишга кўрсатаётган таъсири тобора ортиб бораётир. «Партиянинг асоси — бошланғич партия ташкилотлари, партия группалари ҳаёт тақозоси билан туғилаётган ҳар бир янгилик, ташаббус, илғор тажрибани қўллаб-қувватлаб, оммалаштирмоқда. Бир сўз билан айтганда район партия комитети бошланғич партия ташкилотларининг ташкилотчилик фаолиятини ҳартарафлама кучайтириб, юбилей йилининг юксак вазифаларини адо этишга қаратиш учун ҳаракат қилмоқда.

Район партия комитети пленумлари, йиғилишлари, бюро мажлисларининг мазмуни ва таъсирини оширишга алоҳида эътибор бераётирмиз. У ёки бу масала юзасидан мажлис чақириш олдидан райком инструкторлари жойларга бориб, аҳволни пухта ўрганадилар, ютуқлар нимаю, камчиликлар нима, бунга алоҳида эътибор берадилар. Ана шундан кейин мажлис чақирилади. Пухта тайёргарлик кўрилган мажлис коммунистларнинг актив иштирокида ўтиб, янгидан-янги ташаббуслар туғилади, камчиликларни бартараф этишнинг таъсирли тадбирлари ўртага ташланади.

Биз район партия комитети бюросида кўрилаётган масалаларнинг тематик доирасини шу тариқа анча кенгайтирдик. Яшириб ўтиришнинг ҳожати йўқ, илгаридаги кўпинча хўжаликка оид масалалар муҳокама қилинадиган бўлса, эндиликда коммунистнинг бурчи, ташаббуси, масъулияти, социалистик мусобақани ташкил этиш, тарбия, ахлоқ-одобга оид масалаларни ҳам қамраб олишга ҳаракат қилмоқдамиз.

Район партия комитети яқинда «Бўзсув» совхозида ўтказилган партия мажлисига ўз вакилини юборди. Бу ерда меҳнат интизоми масаласи муҳокама қилинди. Коммунистлар норма бажармаслик ҳолларини қоралаб чиқдилар. Бунинг учун — бизлар айбдормиз, талабчанлик бўшаштириб юборилган, деб ўзларини ўзлари танқид қилдилар. Райком бюроси «Ленин йўли» колхози партия комитетининг секретари Нодир Боймуҳамедовнинг ҳўлди шу тема юзасидан ҳисоботини эшитди. Ютуқ ва камчиликлар анализ қилинди. Партком бошланғич партия ташкилотини яхшилаш лозим деб ўқтирди. Колхоз партия комитети хўжалик ишлари билан бўлиб, оммавий-сиёсий ишлар бўшашиб кетган. Райком бюроси бу камчиликни тугатиш тадбирларини белгиларди.

Район партия ташкилотлари қишлоқда турмуш маданиятини кўтариш борасида ҳам катта иш олиб бормоқдалар. Биз шаҳримиз теварагига жойлашган қишлоқларимизнинг қиёфаси, деҳқонларимизнинг маданий турмуш даражалари пойтахтдагидан қолишмасликка ҳаракат қилаётирмиз.

Хўжаликларнинг даромадлари муттасил кўпайиб бораётир. Бу ҳол қишлоқларда капитал қурилишни кенгайтириш имкониятини бермоқда. Ҳар бир қишлоқ ўз клуби, бригадалар эса дала шийпонига эга. Партия ташкилотлари хонадонларда маданий турмуш ашёларининг кўпроқ бўлишига интилаётирлар. Ҳозир қишлоқ хонадонларида 11 минг 200 телевизор, 5520 холодильник, 3130 кир ювиш машиналари ва бошқа маданий ашёлар бор. Район аҳолисининг ярмидан кўпроғи янги типда қурилган кенг ва ёруғ уйларда истиқомат қилаётирлар. Қишлоқларни электрлаштириш асосан тугалланди. 4057 хонадон «зангори олов»дан фойдаланаётир.

Баракали меҳнат қилиб, тўқ ва фаровон турмуш кечираётган деҳқонларимиз йилдан-йилга кўплаб бойлик яратишга интилмоқдалар. Улар юбилей йилида юз минг тонна сабзавот, 38 минг 260 тонна картошка, 17500 тонна ковуш-тарвуз, кўплаб мева, узум етказиб бериш, чорвачиликда ҳам янги марраларни эгаллашни кўзлаб фидокорона меҳнат қилмоқдалар.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари бутун куч ва имкониятларни зиммага олинган юксак мажбуриятларни бажаришга қаратаётир.

Ҳозир айни пишиқчилик пайти. Дала ва боғларда ноз-неъматлар мўл-кўл етишди. Коммунистлар бу ҳосилни нес-нобуд қилмай, аҳолига етказиб беришда ташаббускорлик кўрсатмоқдалар.

М. КАМОЛОВ,
Калинин район партия комитетининг биринчи секретари.

УЛУР ОКТЯБРНИНГ 50 ЙИЛЛИГИГА

„АРСЕНАЛ“НИНГ ЖАНГОВАР ШУҲРАТИ



Печерск қаҳрамон Киев шаҳрининг тарихий районларидан биридир. Печерск ўз вақтида Киев пролетариати қўзғолонининг маркази бўлган. Бу район Октябрь революцияси бўронли йилларининг шоҳиди бўлган.

Бу ерда машҳур «Арсенал» заводи жойлашган. Завод остонасида ишчилар ва қизил гвардиячилар Советлар ҳокимияти учун пролетариат душманларига қарши мардонавор кураш олиб бордилар.

Петроградда қуролли қўзғолон бошлангани ҳақидаги хабар Киев шаҳрига 1917 йил 25 октябрда кунининг иккинчи ярмида етиб келади. Революцион кайфиятдаги ишчилар митингга тўпланишиб Вақтли ҳукумат қўшинларига қарши курашишга, пухта қуролланишга келишиб оладилар. Большевик Андрей Иванов қўзғолончилар штабига бошчилик қилади.

Якшанба куни 29 октябрда 111-авиация парки учувчиси Александр Егоров енгил аэропланда ҳавога кўтарилади. Самолёт қанотида қизил алвон ҳилпираб турарди. Бу ўз ўрнида ҳужум бошлашга берилган сигнал эди.

Ашаддий жанглар бир неча кун давом этади. Юнкерлар бутун кучи «Арсенал»га ташлайдилар. Заводга борадиган йўлларда баррикадалар қурилган бўлиб, бу юнкерларнинг олға боришига қаршилик кўрсатади. Заводнинг мустаҳкам деворларини артиллерия ҳам емира олмади. Арсеналчиларга қўшни районлардан келган кўнгиллилар группаси амалий ёрдам бериб турди. Шаҳарда юнкерларга қарши қўзғолон эълон қилинади.

Арсеналчилар отряди умумшаҳар революцион комитети топшириғига биноан қизил гвардиячиларнинг ёрдамида Киев ҳарбий округининг штабини қўлга олишга муяссар бўладилар.

Киев пролетариатининг Октябрь жангларидан милдий Марказий рада фойдаланади ва шаҳар ҳокимиятини эгаллаб олади. 1918 йил 16 январга ўтар кечаси қизил гвардиячилар отряди завод атрофида турган соқчиларни қуролсизлантириб, «Арсенал»ни эгаллашади. Навбатдаги бўладиган жангларга ҳозирлик кўрила бошланди. Жангчиларга милтиқлар тарқатилади. Пушкалар олдинги сафга чиқариб қўйилади. Заводда минтга яқин қуролланган жангчилар бўлиб, булар Киев пролетариатининг ишонган кучи ҳисобланарди.

Реакциянинг асосий кучи большевиклар қалъасига қаратилган эди. Улар «Арсенал»ни ишчилар қонига чўктириб юбориш ниятида эдилар. Бироқ шу пайтда Киевга Москва, Петроград, Харьков ва Екатеринаславдан қизил гвардиячиларнинг қуролланган отрядлари яқинлашиб келмоқда эди.

Шаҳарда Совет ҳокимияти ўрнатилади. «Арсенал» цехлари ҳаракатга тушади. Ишчилар ўзлари ишлаётган цехларга қайтишади.

Ўша вақтда бу завод ёш совет индустриясининг асосий базаси ҳисобланган. Бу ерда жанговар кадрлар тайёрланди. Қаҳрамон жангчи — завод жафокаш меҳнаткашлар маконига айланди.

200 йил умр кўрган «Арсенал» ҳозирги кунларда иккинчи ёнликни бошдан кечирмоқда. Сўнгги йилларда шаҳарда янги корпуслар, ўқув комбинатлари қад кўтарди. Янги хашаматли турар-жой бинолари барпо этилди.

Машҳур «Арсенал» деворлари эса халқимизнинг қаҳрамонлигини мадҳ этувчи ёдгорлик сифатида сақланиб қолган. Бу ерда жанговар «Арсенал»нинг машҳур тарихини эслатиб турувчи яна бир гувоҳнома бор. Заводнинг ёнидаги тепаликда душманга қарши ўт очган пушкаларнинг бири ўрнатилган. Печерск кўчалари ҳам арсеналчиларнинг жасоратини эслатиб туради. Уларнинг бири «Январь қўзғолони» номи билан юритилади. Учта кўчага «Арсенал»нинг машҳур революционерларидан Андрей Иванов, Прокофий Аистов, Александр Онищенколарнинг номи берилган.

Революцион воқеаларда актив катнашган уруш ветеранларидан Василий Ильич Стригин, Степан Васильевич Калиновский, Александр Евтрокьевич Кураков, Василий Дмитриевич Ефимовлар эндиликда шаҳар ёшлари билан тез-тез учрашиб турадилар. Ўша унутилмас қаҳрамонлик кунлари ҳақида ҳикоялар қиладилар.

«Арсенал»да ажойиб традиция давом этиб келмоқда. Буни авлодлар эстафетаси деса бўлади. Заводда ишлаган ҳар бир ишчи пенсияга чиқаркан, ўз иш жойини болаларидан бирига топшириб кеташи керак.


Ҳар бир цехда ишчилар онласини учратасиз. Корхона ветерани Николай Саввич Радченко пенсияга чиққач, кадрлар бўлимига жамоатчилик асосида ишлашга ўтади. Бу цехда эса Радченконинг қирққа яқин қариндош-уруғлари меҳнат қилишмоқда. Цехларнинг бирида ишчи Иван Трофимович Марьяненко оиласининг барча аъзолари бир ёқадан бош чиқариб ишламоқдалар.

Виктор Шчербин ҳарбий хизматини ўтаб бўлгач, «Арсенал»га шогирд бўлиб ишга келади. Бу ерда Шчербин юқори разрядли мутахассис даражасига кўтарилди. Бу ёш коммунист арсеналчиларнинг муқаддас дастгоҳи ҳисобланмиш доҳимиз В. И. Ленининг станогида ишлаш ҳуқуқига эга бўлди. 1923 йили В. И. Ленин «Арсенал»нинг фахрий токари қилиб тайинланади ва завод маъмурияти дастгоҳларнинг бирини доҳимиз номига ўтказган эди.

Ҳар йили Январь қўзғолони бошланган куни заводнинг маданият саройида арсеналчилар ҳузурасига йиғилганлар йиғини ўтказилади. Корхонага янги ишга келган ёшлар заводнинг ҳурматли отахонларидан эстафетани қабул қилиб олишади. «Арсенал» ишчиси деган фахрли номга яраша ишлашга сўз беришади.

Эрта тонг... Завод дарвозасига кириб «Арсенал» ёдгорлиги, жанговар қуролларни эслатиб турувчи машҳур девор ёнидан ишчилар ўтиб боришмоқда. Булар янги авлод вакилларидир. Бу ўғил-қизлар машҳур корхонада меҳнат қилаётганликлари билан фахрланадилар, ота-боболарининг босиб ўтган жанговар изидан албатта борадилар.

О. ПОПОВА.
ТАСС мухбири.



Суратларда: (юқорида) «Арсенал» қаҳрамонларига ўрнатилган ёдгорлик. (пастда) машҳур «Арсенал» девори тасвирланган.
П. Хоренко фотолари. (ТАСС фотохроникаси).

Совет Ўзбекистони делегацияси Туркияда

ИСТАМБУЛ, 18 август. (ТАСС). Ўзбекистон ССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари С. К. Зиёдуллаев бошчилигидаги Совет Ўзбекистони делегацияси Туркияга келди.

Ўзбекистон вакиллари Измирдаги халқаро виставка ва ундаги Совет павильонининг очилиш маросимида қатнашадилар. Измир савдо ва саноат палаталарининг раҳбарлари билан учрашадилар, бу шаҳардаги баъзи саноат корхоналарини, Эфес ва Бергамадаги тарихий ёдгорликларни бориб кўрадилар. Делегация Истамбул билан ҳам танишиб чиқади.

БУДАПЕШТ. Венгрия архитекторлари янги Съездлар саройининг лойиҳасини ишлаб чиқмоқдалар. Бу сарой қардош Словакиянинг пойтахти Братиславада қурилади. Суратда: саройнинг макети тасвирланган.
МТИ—ТАСС фотоси.



Жаҳон янгиликлари

Курашаётган Вьетнам билан бирдамлик

ПРАГА. Жаҳон касаба союзлари Федерацияси Вьетнам Демократик Республикаси касаба союзлари умум конфедерациясига юборган телеграммасида бундай дейилади: Жаҳон касаба союзлари Федерацияси бутун дунё меҳнаткашлари ва касаба союзларининг Американинг Вьетнамдаги агрессиясига қарши қаттиқ норозилик билдиришга чақирадик. Америка авиациясининг яқинда Вьетнам Демократик Республикаси территориясини ва жумладан жуда катта Лонгшон иўпригини бомбардимон қилганлигидан қаттиқ газабланган Жаҳон касаба союзлари Федерацияси секретариати, дейилади телеграммада, террорчилик ҳужумларига қарши қатъий норозилик билдиради. Бу ҳужумлар тинч аҳоли ўртасида яна кўп кишининг ҳалокатига сабаб бўлди.

ТОКИО. Японлядаги «Вьетнамдаги урушга қарши чиқувчи граждан лар садоси» ташкилоти 100 минг неналик дори-дармонларни Вьетнам халқига ёрдам фондига топширди. Ташкилот аъзолари Японияда урушга қарши суратлар репродукцияларини сотиш йўли билан дори-дармон олиш учун маблағ тўпладилар. Ана шу суратларни Жанубий Вьетнам Миллий озодлик фронтининг Вьетнамдаги Америка агрессиясига қарши курашда қатнашган вьетнамлик рассомлар чизган эдилар.

ЛОНДОН. Парламентнинг лейборист аъзоларидан бир группаси Америка авиациясининг Вьетнам Демократик Республикаси территориясини бомбардимон қилишини авж олдираётганлиги сабабли рўй берган аҳволни муҳокама қилмоқ учун умум палатасини тезликда чақиришни талаб этмоқда. Ана шу ҳаракат ташаббускорларидан бири Жон Мендельсон бундай деди: АҚШнинг Вьетнамдаги уруш ҳаракатларини кучайтириб юборганлиги Буюк Британия жамоатчилигини ташвишга солиб қўйди.


„СВИРСК“ ВАТАНИГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

ВЛАДИВОСТОК, 18 август. (ТАСС мухбири). Хитойнинг Дальний портида хунвэйбинлар ҳужумига дучор бўлган совет «Свирск» теплоходи бугун Ватанига қайтиб келди. Теплоход ҳозиргина «Золотой рог» бухтасига кирди.

ХАТАРЛИ ҲАМКОРЛИК

ВАРШАВА. (ТАСС). Польша телеграф агентлиги (ПАП) хабар беради: Польшанинг «Глос Прани» газетаси Германия Федератив Республикаси канцлери Кизингернинг Америка Қўшма Штатларига қилган визити натижаларига баҳо бериб, «Бонн—Вашингтон ҳамкорлиги Европадаги тинчлик учун ҳам, умумий тинчлик учун ҳам жуда хатарлидир», деб ёзади.

Германия Федератив Республикаси ҳукмрон доираларининг атом қуролига эга бўлиш ҳақидаги даъволаригина эмас, балки территориялар ҳақидаги даъволари ҳам, деб яна ёзади газета, кўлданоқ маълум. Америка ёрдами билан Бундесвернинг кучайтирилиши ва шунингдек Германия Федератив Республикасининг НАТОдаги позицияларининг мустаҳкамланиши жиддий хавф туғдиради. Америка ва Бонн сиёсатчиларининг тинчликка интилаётганликлари ва яхши ниятлари тўғрисидаги ҳар қандай гаплар, деб таъкидлайди «Глос Прани» газетаси, ана шу фактларни эътиборга олганда, илгариги сиёсат ана шундай ниқоб остида ўтказилаётганлиги аён бўлиб қолади.



Тошкент революцион воқеалари хроникаси

1917 йил

1 АВГУСТ.

«Россия транспорт ва страхование жамияти» Тошкент конторасининг ишчи ва хизматчилари Андижон, Чоржўй ишчилари забастовкасига ҳамдардлик билдириб иш ташладилар.

5 АВГУСТ.

РСДРП Тошкент комитети ишчилар ҳаракатини бирлаштиришга чақириб партиянинг ҳамма аъзоларига мурожаат қабул қилди.

6 АВГУСТ.

Ўлка Совети ва Тошкент Совети вакиллари иштирокида 2-Сибирь ўқчи запас полкининг байрамида якдиллик билан Тошкент Советига бирдамлик изҳор қилинди.

9 АВГУСТ.

Ишчи ва солдат депутатлари ўлка Совети Советининг маҳаллий миллатга мансуб Тошкент ишчиларини ташкил қилиш сохасидаги фаолияти ҳақида тайёрланган докладни муҳокама қилди. Маҳаллий ишчилардан пропагандист кадрлар тайёрлаш мақсадида тўгарак ташкил қилишга қарор қилинди.

18 АВГУСТ.

Еттисувда қирғизлардан қонли ўч олинишига қарши Тошкентда намойиш ўтказилди. Ишчилар, солдатлар, маҳаллий аҳоли вакиллари «Еттисувда қонли ўч очишга чек қўйилсин!», «Яшасин тенглик ва қардошлик» деган шиорларни кўтариб чиқишди.

20 АВГУСТ.

Тошкент туб аҳолиси жамоат ташкилотларининг бирлашган кенгашида Еттисувдаги аҳвол муҳокама қилинди. Ингилишда тинч қирғиз аҳолисига қарши уюштирилаётган талончилик ва қон тўкишга қарши норозилик билдирилди. Шунингдек, Туркистон мусулмон солдатларини фронтга жўнатишни тўхтатиш, қирғизларга озиқ-овқат ва медицина ёрдами кўрсатиш, улардан тортиб олинган ер ва мол-мулкни қайтариб беришда кўмаклашишга қарор қилинди.

28 АВГУСТ

Вақтли ҳукуматдан Корнилов исёни ҳақида телеграмма олинди.

Шу исён муносабати билан РСДРП Ўлка бюроси аҳолига мурожаат қилиб, унда контрреволюцияга қарши кескин кураш олиб бориш, ҳокимиятни Советлар қўлига топшириш учун курашишга чақирди.

Темир йўл устахоналарида 5 мингга яқин ишчи иштирокида митинг ўтказилди. Митинг вақтида Петроградда Корнилов исёни тўғрисидаги телеграмма ўқиб эшиттирилди. Ишчилар ҳокимиятни Советлар қўлига топшириш ҳамда исённи қоралаш тўғрисида резолюция қабул қилдилар.

Кечкуруи Озодлик уйи олдида ишчилар, солдатлар ва маҳаллий аҳоли намойишга чиқди. Бунда нотиқлар ҳокимиятни Советлар қўлига топширишни талаб қилиб, Корнилов исёнига қарши кескин норозилик билдирдилар.

29 АВГУСТ.

2-Сибирь ўқчи запас полки комитетининг фавқулодда кенгаши бўлиб, унда ҳозирги аҳвол ва генерал Корнилов исёни масалалари муҳокама қилинди. Йиғилиш полк фақат ишчи ва солдат депутатлари Советининг кўрсатмалари бўйича иш олиб боражагини айтди.

Шу полкнинг 6-ротаси умумий йиғилишида Корнилов исёни муносабати билан барча қўшин қисмларини революция байроғи остида жипслашишга даъват қилинди. Солдатлар фақат Совет қарорларига бўйсинамиз, деб бирдамлик изҳор қилишди.

30 АВГУСТ

Мусулмон ишчи депутатлари шаҳар Совета «Озодликни ҳимоя қилиш учун кўкрагимизни қалқон қилишга тайёрмиз» деб генерал Корнловнинг қаттиқ жазоланишини талаб қилдилар.

Эски шаҳардаги 13 касаба союзлари бирлашди, «Мусулмон касаба союзлари Совети» ташкил қилинди.

ОҚҚЎРҒОН ТЕРИМГА ШАЙМИ?

Бултур район хўжаликларида етиштирилган умумий ҳосилнинг 32 минг тоннаси, бошқа сўз билан айтганда 72 процента «зангори кема» бункерларидан тўкилди. Қўл билан пахта териш кескин камайди. Кенг пахтазорларда 923 та машина жавлон уриб ишлаб, колхозчиларнинг ва совхоз ишчиларининг оғирини енгил, узоғини яқин қилди. Терим муддатини қисқартирди. Район бўйича бир кунда 5—6 процентга етказиб пахта тайёрлаш одат бўлди. Шу туфайли кўпчилик уларни карвонбоши дейдиган бўлиб қолди.

Ҳосилдорлик соҳасида ҳам бу ерда ҳийла силжиш бўлди. Юбилей йилида айниқса фидокорона меҳнат қилаётган пахтакорлар мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Уларнинг иши чакки эмас. Дастлабки маълумотларга қараганда ҳар гектар ерда ҳозир ўтган йилга нисбатан 3—4 тадан кўп кўсак, ҳар гектар ерда бултургидан 2—3 минг туп ортиқ кўчат бор. Булар мўл ҳосил нишоналари. Ийл бошида 70 минг тонна пахта етиштиришни мўлжаллаб иш бошлаган оққўрғонликлар энди ундан ҳам баракалироқ хирмон кўтаришни чамаламоқдалар.

Ҳўш, далаларда мўл ҳосил етиштирган, тер тўкиб меҳнат қилиб «оқ олтин» дурдоналарини бунёд этган оққўрғонликлар энди уни йиғиб-териб олишга тайёрми? Оққўрғонликлар машина билан пахта теришдаги илгариги шўхратини сақлаб қола оладими? Ҳозир ҳамма гап шунда.

Бу йил районда 25 минг гектар ердаги пахтани машина билан териб олиш планлаштирилган. Фақат 3300 гектар ердаги пахта қўл теримига ажратилган. Етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти машиналар билан териб олинмоғи лозим. Оққўрғонликларнинг терим режалари шу. Ҳозир районда пахта йиғим-теримига тайёрлик юзасидан зарур бўлган баъзи тадбирлар амалга оширилмоқда. Ғўза баргини тўкишга план бўйича 1200 тонна хлорат магний, бутефос ва бошқа дорилар олиниши лозим эди. Ҳозиргача шу дорилардан 740 тоннаси ташиб олинди ва хўжаликларга тарқатилди.

«Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхози, Димитров номли, Ленин номли, «Озод», Куйбишев номли бир қатор колхоз ва совхозларда пахта териш машиналари мавсумга деярли тахт қилиб қўйилди. Бу хўжаликларда сўнгги машиналар ремонтдан чиқарилмоқда.

Аммо, теримда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган пахта териш машиналарини ремонтдан чиқариш ва модернизация қилиш ишларини умуман қониқарли деб бўлмайди. Масалан, районда мавжуд 943 машинадан ҳозир 688 таси тайёр, холос. К. Маркс номли, Ҳамид Олимжон номли, Охунбобоев номли колхозларда, Султон Сегизбоев номли, «Коммунизм» совхозларида пахта териш машиналарини ремонт қилиш жуда суст боряпти. Султон Сегизбоев номли совхозда мавжуд 126 та машинадан энди 76 таси тайёр бўлган.

Ҳамид Олимжон номли колхоз устахонасига кириб қолсангиз, - талайгина одамларни кўрасиз. Инженер Зикир Аҳмедов «ремонтда 27 кайси ишлаяпти», дейди. Бу яхши. Лекин, ишнинг унуми қалай? 34 машинадан энди 15 таси қўлдач чиққан. Механизаторларнинг бири шипидел йўқ деса, иккинчиси аккумулятор, машинанинг баллони йўқ дейди. Маълум бўлишича, бу ерда ремонт қилиш учун одамлар етарли бўлса ҳам запас қисмлар етишмаганидан иш юришмай турибди. Қайси бир хўжаликка борманг, у йўқ, бу йўқ деган сўзни эшитасиз. Ҳамма запас қисмлар йўқлигидан шикоят қилади.

Энг муҳим ва улгуржи бир масала кўпгина хўжалик ва район раҳбарларини қаттиқ ташвишлантирмоқда. Бу йил район бўйича 100 та ХВС-1.2 маркали машинанинг мотори Д-37 мотори билан алмаштирилиб, модернизация қилиниши лозим. Бу масала ўз вақтида «Узсельхозтехника» область бирлашмасига — М. Мамонтовга маълум қилинган. М. Мамонтов эса мотор билан таъминлашни ваъда қилган.

— Бироқ, — дейди район партия комитетининг секретари С. Тоиров, — Мамонтов бизга мотор ўрнига нуқул қоғоз кўрсатишдан нари ўтмаяпти. Бизга қоғоз эмас, мотор керак. Мотор бўлмаса мавсумда 934 машинадан 100 таси теримга қатнашмай қолиш хавфи тугилмоқда.

100 та машина. Ҳақиқатан ташвишли. Бу ўтган йилга нисбатан далага 100 машина кам чиқади деган сўз. Камида ўрта ҳисобда 50 тоннадан пахта тера оладиган юз машинанинг четда қолиши 5000 тонна пахта кам терилади деган сўз.

Ҳозир Оққўрғонга борган киши хўжалик раҳбарларининг ташвиши билан ҳали у, ҳали бу идорага югуриб юрганларини кўради. Айниқса пахта, луб етиштирадиган колхоз раҳбарларининг ҳасратидан чанг чиқади. Маълумки, шу кунларда колхозларда каноп йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Аммо лубкорлар ишлатаётган техника учун запас қисмлар етишмайди. «Узсельхозтехника» район бирлашмаси лоақал НП-9 машинаси учун ишлатиладиган тунука, угольник билан ҳам уларни таъминламаяпти. ЛС ва НП-9 машиналари учун ҳеч қандай запас қисмлар йўқ.

Маълумки, бу машиналар трактор ёрдами билан ҳаракат қилади. 217 та ЛС, 270 та НП-9 машинасидан тўла фойдаланиш учун хўжаликларда ҳозир қарийб 60 га яқин трактор етишмай турибди. Бу аҳвол «Узсельхозтехника» область бирлашмаси раҳбарларини безовта қилмаяпти.

Ўтган йили каноп тайёрлаш плани бажарилмай қолди. Бунга қисман йиғим-терим даврида бир қисм тракторлар пахтачилик ишига олиб қўйилганлиги ҳам сабаб бўлган эди. Районда каноп ва пахта тайёрлаш ишининг бир меёрда давом эттириш учун техника воситаларини етарли бўлмоғи лозим.

Илгари оққўрғонликлар осонгина янги машиналар сотиб олар эдилар. Эндиликда бу иш унча жўн эмас. Машина тарафдорлари кўпайиб кетган. Бу йил 150 та янги машина сотиб олиш мўлжалланган бўлса ҳам ҳали улардан дарак йўқ. Бунинг устига «Узсельхозтехника» район бирлашмаси ҳам пахта териш машиналарини ремонт қилишда сусткашлик қилмоқда. Ремонт ишлари графикда кўрсатилган муддатда бажарилмаётир. «Узсельхозтехника» район бирлашмасига ремонт қилиш учун хўжаликлардан келтирилган 150 машинадан 20 таси ҳали ҳам навбат кутиб турибди.

Хуллас, Оққўрғон ҳали теримга ҳартарафлама тўла тайёр эмас. Бу ишда ишлаб чиқариш бошқармаси ва унинг ходимлари етарли даражада иш қилаётганликлари сезилмаётир. Машина билан пахта теришда пешқадам бўлиб келган оққўрғонликлар бу йил ҳам байроқдор бўлишлари керак. Бунинг учун район ташкилотлари ҳам, айниқса «Узсельхозтехника» область бирлашмаси ҳам астойдил ғамхўрлик қилмоғи лозим. Биз юбилей йилида ҳам оққўрғонликларни пешқадамлар сафида кўриб фахрланишна истаймиз.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

ЎЗБЕКИСТОНДА ҲИНДИСТОН МАДАНИЯТИ ДЕКАДАСИ

ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ

Ҳинд халқида шоирона гўзал айтилган бир мақол бор. Аҳиллик, дўстлик, ҳамкорлик мазмунларини ифода қиладиган бу мақол ўзбекчада шундай жаранглайди: «Бир гулдан гулчамбар ясаб бўлмайди».

Бизнинг устозларимиз инсониятнинг улкан ва азиз маданиятини яратишда барча халқлар баробар иштирок қилади, катта ва кичик барча халқлар унга ўз ҳиссасини қўшади, деб таълим берадилар. «Бир гулдан гулчамбар ясаб бўлмагандек», жаҳон маданиятини ҳам бир халқ яратмайди ва яратган ҳам эмас. У жаҳондаги барча халқлар ижодий ҳамкорлигининг маҳсулидир.

Кишилик бадиий ижоди хазинасига ҳинд халқининг қўшган ҳиссаси бебаҳо ва унутилмасдир. XIX аср ўрталарида яшаб ижод этган немис революцион-демократ шоири Генрих Гейне санскрит тилида яратилган ҳинд классик адабиёти тўғрисида ҳикоя қилиб, унда куйланган «барваста қоматли, катта ёниб турган кўзли ҳинд аёлларининг ғўзаллик ва нафосат тўла» образлари ҳақида зўр завқ ва ҳаяжон билан сўзлар экан, бу туганмас бадиий бойликни яратувчилардан бири бўлган гениал Калидасини «ҳинд Шекспири» деб атайди.

Ҳинд халқи яратиб жаҳон маданияти хазинасига қўшган маънавий бойликлар бизнинг замонамизда янада барқ уриб яшнамоқда. Озод ҳинд халқининг республикамизда бўлиб ўтаётган маданият декадаси бу бойликларни зўр муваффақият билан рўй-рост намойиш этмоқда.

Совет халқлари, шу жумладан, ўрта Осиё ва Ўзбекистон халқлари ҳам жанубдаги улуғ чегарадош қўшниси билан узоқ асрлар давомида мустаҳкам иқтисодий ва маданий алоқада яшаганлар, ижодий ҳамкорликда бўлганлар. Бу ҳамкорлик тарихининг ҳар икки томон учун ҳам азиз ва қадрли бўлган олтин саҳифалари бор. Эрамизнинг дастлабки асрларида Кашмирда яратилган ва Ҳиндистон халқлари дўстлигининг тимсоли сифатида бутун дунёда шуҳрат қозонган «Калила ва Димна» ўрта Осиё халқлари маданияти тарихининг ажралмас йўлдоши бўлди. «Шоирлар одам атоси» деб ном олган улуғ тожик шоири Рудакий бу асарга бўлган халқлар муҳаббатини ифода этиб, «Калила ва Димна» сюжети асосида ўн икки минг байтдан ташкил топган монументал асар яратди. Афсуски, бу асарнинг юз байтдан ортиқроқ фрагментларига бизгача сақланиб қолган, холос.

Совет шарқи халқлари билан Ҳиндистон халқлари ўртасидаги маданий-адабий алоқалар тарихида X асрнинг улуғ энциклопедик олими Абу Райҳон Бируний фахрли ўринни эгаллайди. Бируний ўзининг ажойиб илмий фаолиятида Ҳиндистон халқларига катта эътибор бериб, уларнинг хаётини бевосита ўрганди ва «Тарихал Ҳинд» номли қимматли илмий асар ёзиб, унда Ҳиндистоннинг тарихи, географияси, маданияти ҳақида келгуси насларга бой маълумотлар қолдирди.

XIII асрда мўғуллар истилоси давридаги даҳшат ва фалокатлардан қочиб Ҳиндистонда паноҳ топган шаҳрисабзлик шоир Амир Хисрав ижодий фаолияти, улуғ Алишер Навоий даврида яратилган маданий ҳаёт ва адабий ҳаракат бу халқлар алоқасини яна мустаҳкамлади. XVI асрда машҳур шоир ва давлат арбоби Захириддин Муҳаммад Бобир фаолияти билан боғлиқ бўлган тарихий ва маданий ҳодисалар, XVII — XVIII асрларда шарқнинг машҳур шоираларидан Бобир набираси Зебинисобегим ижоди, файласуф шоир Мирза Абдулқодир Бедил қолдирган мерос шу маданий-адабий ҳамкорликнинг зарварақ саҳифаларини ташкил қилади.

Ўзбек адабиётида тинчлик ва маърифат қуйчиси сифатида шуҳрат қозонган шоир Фуркат ўтган асрнинг 90-йилларида Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларини кезиб чиққанда Ҳиндистонда ҳам бўлган эди. Бу даврда ҳинд, покистон, афғон халқларининг мустамлакачи инглиз империализмига қарши олиб бораётган озодлик курашларидан илҳомланиб ва уни мадҳ этиб жўшқин лирик шеърлар ва империалистик давлатлар кирдикорларини лаънатловчи кучли публицистик асарлар ёзган эди.

Улуғ Октябрь революцияси совет халқларининг халқаро алоқалари тарихида, шу жумладан, маданий-адабий алоқалари тарихида янги, порлоқ саҳифалар очиб берди. Ўзбек ва ҳинд халқлари ўртасидаги кўп асрлик маданий алоқалар янги куч ва мазмун билан бойиди.

Улуғ ҳинд санъаткори Рабиндранат Тагорни ўзбеклар 20-йилларданоқ таниган эдилар. Ўзбек китобхонларига Р. Тагор асарлари доно дўст ва маслаҳатдош бўлиб қолди. Асарлари ўзбекчага таржима қилинган ёзувчилар ичида биринчи ўринни Р. Тагор эгаллайди. Р. Тагорнинг алоҳида нашрларда чиққан кўп ҳикоя ва романларидан ташқари ўзбек тилида унинг саккиз томлик асарлар тўплами ҳам нашр этилади. Р. Тагор ижодий меросининг излари маданий ҳаётимизнинг бошқа тармоқларида ҳам аён кўриниб туради. Тагорнинг «Ҳалокат» романи асосида Ҳамза номидаги ўзбек академик драма театри томонидан яратилган «Ганг дарёсининг қизи» спектакли кўп йиллардан бери томошабинлар диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

Улуғ ҳинд ёзувчиси Р. Тагорнинг жаҳон маданиятида тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисида машҳур санъат ва адабиёт назариётчиси А. В. Луначарский 1923 йилдаёқ шундай деган эди: «Тагор асарлари шу қадар бўёқдор, шу қадар чуқур руҳий кечинмаларга ва ҳақиқий олижаноб ғояларга бойки, у ҳозир умумий башарий маданиятнинг чин маънодаги хазиналаридан бири ҳисобланишга сазовордир».

XX асрнинг улуғ санъаткора ва жамоат арбоби Р. Тагор айни замонда Советлар мамлакатининг дўсти ҳам эди. У мамлакатимизда бир неча марта меҳмон бўлган. Тагор 1930 йил мамлакатимизда бўлиб, совет шарқи республикаларида олиб борилаётган улкан социалистик қурилиш ишларини шундай баён этган эди:

«Бироита одам ҳам ўзини оқиз сезмасин, қўлимдан иш келмайди деб ўйлаб қолмасин учун озмунча ғамхўрлик, озмунча куч сарф қилишаётгани йўқ. Улар Белоруссиядагина эмас, балки ўрта Осиёнинг қолоқ халқлари орасида ҳам маориф ишларини худди тўфондек авж олдирмоқдалар. Бу халқларнинг фан чўққиларини эгаллашига йўл очиш ниятида ҳормай-толмай кўрсатаётган ғайратларининг чеки йўқ».

Ўзбек адабиёти хазинаси, айниқса кейинги ўн йиллар мобайнида ҳинд адабиётидан қилинган таржималар ҳисобига анча бойиди. Ўзбек совет китобхонлари қадим ҳинд адабиётининг «Калила ва Димна», «Тўтинома», каби намуналарини янги замонавий таржимада олишлари билан бирга, Прем Чанд, Кришан Чандр ва бошқа ҳозирги замон ҳинд адабиёти намояндаларининг асарларини ҳам ўз она тилларида ўқишга муяссар бўлдилар.

Ўзбек-ҳинд маданий ва адабий муносабатлари кун сайин юксалиб бормоқда. Ҳозир ҳинд ва ўзбек ёзувчилари ўртасида чинакам ва самимий ижодий ҳамкорлик ўрнатилган. Ойбек, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Шароф Рашидов, Зулфия каби атоқли шоир ва ёзувчиларимизнинг асарлари урду, ҳинд тилларида кўплаб нашр этилди.

Ўзбек ва ҳинд дўстлик жамиятининг президенти, талантли шоира Зулфия ўзининг Ҳиндистонга қилган сафарларидан бирида «Мушоира» номли ажойиб шеърини яратди. Халқлар дўстлиги ва тинч ижодий меҳнат мадҳияси руҳи билан суғорилган бу мазмундор шеърда ажойиб жозибадор, фалсафий тийрак мисралар кўп учрайди:

Бунда узоқдаги дўст бўлар яқин,
Санъат, маҳоратнинг байрами бунда.
Қофия, сўз, мисра бахслари қизғин,
Юраклар даврага киради бунда.
Ҳаёт гўзаллиги шеъриятининг
Ениқ нафасига тўлсин бу жаҳон.
Хавфдан халос бўлган башариятнинг
Қўшиғин тўқисин озод, тинч инсон.

Адабиётимизда чет эл тематикаси, шу жумладан Ҳиндистон тематикаси, кун сайин кенгаймоқда, бу темада атоқли сўз санъаткорларимиз мазмундор асарлар яратмоқдалар. Севимли ёзувчимиз Ойбек Ҳиндистонга қилган сафаридан сўнг «Зафар ва Заҳро» поэмасини, «Покистон хотиралари» эсдаликларини, «Нур қидириб» повестини яратди. Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари ҳозирги замон адабиётимизда алоҳида ўрин тутади. Ҳинд афсоналари асосида яратилган бу гўзал лирик қисса томошабинлар қалбини ўзига мафтун этмоқда.

Санъат ва адабиёт халқ руҳини, ҳаётини ўзида ҳамма нарсадан кўра равшанроқ ва тўлиқроқ акс эттирувчи инсон маънавий фаолиятининг турларидан биридир. Санъат ва адабиёт орқали халқлар бир-бирларини яхшироқ таниб оладилар, у орқали халқлар бир-бирларининг кўнгилларидаги бўлган истак ва орзуларини, интилишларини яхшироқ ўрганиб оладилар, иноқлашадилар. Шу маънода санъат, адабиёт халқлар дўстлигининг қудратли воситасидир. Шунинг учун биз совет кишилари дўстлик, тинчлик ва ижодий ҳамкорлик каби эзгу ниятлар билан келиб, юртимизда меҳмон бўлган санъат аҳлларини, холис ниятли эркпарвар ҳинд маданият арбобларини самимий ҳурматлаймиз. Республикамизда катта муваффақият билан якунланаётган ҳинд маданияти декадаси совет ва ҳинд халқлари маданий алоқалари тарихининг порлоқ ва сермазмун саҳифасини ташкил қилишига ишончимиз комил.

Ғ. КАРИМОВ,
профессор, филология фанлари доктори.

КЎҲНА БУХОРОДА

БУХОРО, 18 август. (ЎзТАГ). Яна бир қадимий шаҳар—Бухоро азиз дўстларни—Ўзбекистонда Ҳиндистон маданияти декадасининг қатнашчиларини бугун ҳушнудлик билан кутиб олди.

— Бу ерда кўрган нарсалар, — деди Ҳиндистон-Совет маданияти жамияти миллий кенгашининг Бош секретари, ёзувчи Шри Шивадан Сингх Чауҳан, — бизда унутилмас таассурот қолдиради. Замонавий саноат корхоналари—қоракўлчилик заводи, заргарлик фабрикаси ва бошқа корхоналар билан ёнма-ён қад кўтариб турган қадимий меъморликнинг ажойиб ёдгорликлари ҳар қандай шаҳарнинг ҳуснига ҳусн қўшиши мумкин.

Кечқурун шаҳарнинг ёзги паркида таптанали йиғилиш бўлди.



Шу кунларда Қорақалпоғистон АССР нинг пойтахти Нукусда Ўзбекистон адабиёти ва маданияти ҳафталиги муваффақият билан ўтмоқда. Ўзбек ва қорақалпоқ маданият арбоблари қизиқарли учрашувлар уюштирмоқдалар. Сурат да: ўзбек маданият арбобларидан бир группаси.

А. Ходаков фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

Яқинда Ҳиндистон ва Покистон халқлари ўз мустақилликларининг йигирма йиллигини тантанали равишда нишонладилар. Шу саналар муносабати билан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтида илмий конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни тарих фанлари кандидати Н. Ҳошимов очди. Тарих фанлари кандидати М. Юсупхўжаев мустақиллик йилларида Ҳиндистоннинг иқтисодий тараққиёти тўғрисида батафсил гапириб берди. Докладчи эрксевар ҳинд халқининг йигирма йил ичида саноат, қишлоқ хўжалиги ва маданият соҳаларида қўлга киритган ютуқларига оид далиллар келтирди.

Покистон халқининг қўлга киритаётган ютуқлари тарих фанлари кандидати С. Тансиқбоева докладда батафсил ҳикоя қилиб берилди.

Конференция охирида Покистон шоири Жасимиддин сўзга чиқди. У Шарқий Покистонда кўзга кўринган қалам соҳибларидан бири бўлиб, 30 дан ортиқ шеърлар тўпламининг авторидир. Унинг бир қанча шеърлар тўпламлари чет тилларда ҳам нашр этилган. Шоир ўз шеърларидан намуналар ўқиб берди.

И. УСМОНОВ.



Янгийўл районидаги Калинин номли колхозда силос учун мақкажўхори поясини ўриш тугалланмоқда. Суратда: охирги гектар ерлардаги маккажўхорини ўриш пайти.

А. Абалян фотоси.

МЎЛ ҲОСИЛ ИШТИЁҚИДА

Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг донгдор пахтакор Меҳри Шералиева бошлиқ участкаси миришкорлари юбилей йили ҳирмонининг баракали бўлиши учун ғанимат дамлардан унумли фойдаланмоқдалар.

— Юбилей йилидаги ниятимиз, — дейди Меҳри опа, — Ватанимизга 31 ўринга 41 центнердан «оқ олтин» етказиб беришдир. Бу ҳосил ҳозирнинг ўзидаёқ бор.

Ҳақиқатан ҳам ҳосил шохларида кўсак сероб. Гул ундан ҳам кўп. Бу ҳосилни етиштириш учун миришкорлар тер тўкиб меҳнат қилдилар. 60 гектар пахта майдонида бирор туп бегона ўтни кўрмайсиз.

Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов беришда, ўз вақтида озиқлантиришда ҳамда хирмонинг катта бўлиши учун курашда участканинг Тўлаган Умрқулов бошлиқ звеноси аъзоларининг ҳиссаси катта бўляпти.

Звено аъзолари ҳар гектар ерда етарли миқдорда кўчат сақлаб, унда мўл ҳосил етиштирмоқдалар.

Звенонинг З. Жўраева, Г. Норбоева сингари ишининг кўзини биладиган пахтакорлари берилган ваъданинг устидан чиқиш учун қунлик топшириқларини ортиғи билан бажармоқдалар. Сувчи Абдукарим Абдуллаев ҳар бир туп ниҳолнинг қониб сув ичишига эришяпти.

И. РУСТАМОВ.

ҲАЛОЛЛИК

Такси машинаси шаҳар марказидаги кенг асфальт йўлдан шамолдек елиб борарди. Кўпдан бери шаҳар айланмаган Зокир ака ёнида аёли билан машина ойнасидан атрофни томоша қилиб боришарди.

— Ўх-хў, жуда ҳам ўзгариб кетибдику,— дейди Зокир ака аёлига ишора қилиб,— ана у баланд иморатлар ўрни яқингинада бўм-бўш ётувди.

— Ҳа, бирам хушбичим, жуда ям чиройли иморатлар тушибди. Қурганларнинг қўли дард кўрмасин!

...Такси кенг майдонни айланиб Тошкент темир йўл вокзали рўпарасида тўхтади. Зокир ака хушмуомала шоферга раҳмат айтиб аёли билан тушиб қолди. Улар шошилганча билет кассаси томон тез юриб кетишди. Кассадан олинган билет учун пул тўлаш вақти етгандагина улар ҳанг-манг бўлиб қолишди. Ёнларида 45 сўм пули ва бошқа ҳужжатлар бўлган сумкалари йўқ. Такси ўриндиғида эсдан чиқиб қолаверибди.

Эр-хотин бошлашиб ташқарига чиқишди. Такси тўхташ жойидан ҳалиги машинани излашди. Йўқ. Ҳайрон бўлиб эндигина кетишга тутинишган ҳам эдики, орқаларидан таниш овоз эшитилди. Уша —уларни вокзалга олиб келиб қўйган такси шофери қўлида сумка билан Зокир ака томон югуриб келарди.

— Сизларни ахтармаган жойим қолмади. Бутун вокзални айланиб чиқдим. Мана, сумкангизни олинг!

Марказий Телеграф станциясининг хизматчиси Зокир ака Иброҳимов ва унинг аёли софдил, халол такси ҳайдовчи, Тошкентдаги 2-таксимотор паркининг шофери М. Камаевага пул ва қимматли ҳужжатлар солинган сумкаларини топиб келтириб бергани учун чин юракдан миннатдорчилик билдирдилар.

Ҳ. НОСИРОВ.

СЕРКУЁШ *республикамизда*

МОТОЦИКЛЛАРДА ПОМИР ВА ТЯНЬШАН БЎЙЛАБ

Кечагина Тошкент комсомоллари мотоцикларда баланд тоғлар бўйлаб қилинган саёҳат қатнашчиларини қизғин кутиб олдилар. Университет студенти Эдуард Резниченко бошчилигидаги етти самарқандли ёш спортчи Помир ва Тяньшан бўйлаб саёҳатларини тугатмоқдалар. Улар бу саёҳатни Совет давлатининг 50 йиллигига бағишладилар.

Улар «Ява-350» маркали тўртта икки цилиндрли мотоциклда тоғлик йўллар бўйлаб беш ярим минг километр йўл босиб, ўн етти довондан ўтдилар. Шулардан бири—Помирдаги Оқ байтал довони жаҳон автомобиль йўлларининг энг баланд нуқтаси (денгиз юзидан 4655 метр) ҳисобланади. Мотоциклчиларнинг йўли Душанба, Хорог, Мургоб, Ўш, Пржевальск, Фрунзе, Олмаота орқали ўтди. Улар Совет ҳокимиятини ўрнатиш билан алоқадор ёдгорлик жойларини зиёрат қилдилар, гражданлар ва Улуғ Ватан уруши қаҳрамонлари билан, Совет Армияси жангчилари, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашдилар.

КОМСОМОЛЛАР СОВҒАСИ

КРАСНОГВАРДЕЙСК (Самарқанд области). Булунғур районининг картасида яқин орада янги маданий-оқартув муассасаларининг чироқлари ёқиладиган жойлар байроқчалар билан белгилаб қўйилибди. Колхоз ва совхозларда юздан ортиқ қишки ва ёзги клублар, кинотеатрлар, кутубхоналар, ўқувхоналари, қизил чойхоналар, дала шийпонлари қад кўтаради. Қишлоқ ёшлари бу муассасаларни қуриш ва жиҳозлашда актив қатнашмоқда.

ШИРИН-ШАКАР УЗУМЛАР

Ўзбекистонда узум узила бошланди. Қуёшнинг ёзги саҳий нурларида ширин-шакар узум пишиб етилди. Бу йил мўл ҳосил олинади. Соҳибкорлар 144 минг тонна ёки ўтган йилдагига нисбатан 9 минг тонна кўп узум ҳосили олмоқчилар.

Фарғона, Андижон областлари ва Қорақалпоғистон АССР-даги ихтисослашган колхоз ва совхозлар савдо шохобчаларига дастлабки бир неча минг тонна узум етказиб бердилар.

УРМОН МЕВАСИ

Ўзбекистоннинг ўрмон хўжаликларида шафтоли, ўрик ва олхўри йиғиштириб олиш тугалланди. Тоғкол тог этакларида ястаниб ётган ўрмон боғларда етилган мўл ҳосил йиғиштириб олинди. Фарғона ўрмон хўжалигининг ходимлари тошлоқ майдонларда барпо этган ёш боғлардан айниқса кўп мева олинди. Бу ерда 250 тонна ширин-шакар мева йиғиштирилди.

Бу йил боғларда ва чакалакзорларда 1 минг тонна мева ва узум йиғиштириб олиш кўзда тутилади. Бу эса, ўтган йилдагидан икки баравар кўпдир.

ҚИШЛОҚ ПОЛИГОНЛАРИ ҚУРИЛМОҚДА

Андижон областидаги олти районда темирбетон буюмлар ишлаб чиқариш учун қишлоқ полигонлари қуришга киришилди. Колхозлараро қурилиш ташкилотлари ана шу йиғма конструкцияларни сотиб оладилар. Бу ташкилотлар ҳар йили 100 квадрат метргача уй-жой қуриб бермоқдалар.

Андижон ва қўриқ ердаги Задарё районларида барпо этиладиган икки полигон шу йилнинг ўзидаёқ маҳсулот беробошлайди. (ЎзТАГ).



ОРОМГОҲ

«Қибрай» дам олиш уйининг ташкил топганига ҳали кўп бўлганича йўқ. Бу даргоҳ бундан тўрт йил муқаддам дам олувчиларни ўз бағрига ола бошлади. Ҳозир боғ саҳни кенгайиб, сўлим оромгоҳга айланган. Токзор ва мевазорлар 7 гектар майдонни ишғол қилади.

Бир йўла 300 кишининг мириқиб дам олиши ва ҳордиқ чиқариши учун ҳамма зарур имкониятлар ҳамда қулайликлар муҳайё қилинган.

Медицина ҳамшираси Клавдия Андреевна Гуранник, оммавий ишлар раҳбари Надежда Осиповна Якоби, бош ошпаз Марьям Аблязова, жисмоний тарбия ва оммавий-спорт ўйинларининг бошлиғи Зеври Ислямов, хизматчи Ҳалима Норматова ва бошқа ходимлар коммунистик бригадага уюшиб, ўз вазифаларини сидқидилдан адо этаяптилар.

Буни «Хотира ва мулоҳазалар» дафтарида қайд этилган миннатдорчилик сўзлари яққол исботлаб турибди. Қозоғистонлик Қўрғанбой Ерметов, Қорақалпоғистон АССРдан Урозгул Сердахиева, қашқадарёлик Соат Абдиев, сурхондарёлик Қаҳрамон Холмуродов, наманганлик Обиджон Мамажонов ва бошқа дам олувчилар хушманзара, баҳаво, оромбахш манзилга жойлашган мазкур истироҳатгоҳдан ғоят мамнун бўлганликларини ёзганлар.

У. САЛОҲУТДИНОВ.

Суратда: Жамбуллик Любовь Загрибельная, тошкентлик Назира Валиева, Муқаддам Валиевалар дам олиш уйида сайр қилиб юришибди.

Н. Аъзамов фотоси.

ТУШ

Мен пайдо бўлибман қуёш
ёнида,
Сайр этиб юрмишман қараб
ҳар ёнга.
Гоҳ боқсам ер томон ажиб
манзара,
Суқланиб қарардим ерга
жаҳонга.
Бир томонда шодлик, байрам
қаҳ-қаҳа,
Яна бир томонда бурқсийди
тутун.
Гоҳи қувонаман ва гоҳи
бирдан,
Қалбимни эгаллар даҳшатлар
бутун.
Истардим ёнмаса қишлоқ,
шаҳарлар,
Уруш деган вабо йўқолсин
дейман.
Бутун дунё халқи бизнинг
эллардек,
Озодлик топсину, шод бўлсин
дейман.

М. ХОЛМУҲАМЕДОВА.

Янги шеърлар

КЎПРИК

Сой устида камондай эгик
Турар эди якка чўп кўприк.
Битта-битта аранг ўтардик,
Икки одам қиларди кўплик.
Ўзгараркан доим бу олам:
Қирсиллади кўприкнинг бели.
Ўтолмади бирорта одам,
Йўлсиз қолди бир қишлоқ эли.
Шу кўприкнинг нақ ёнбошида
Катта кўприк қурилди жадал.
Пойдеворп тоғлар тошидан,
Устунлари, белбоғи металл.
Ундан ўтар одам ва карвон,
Пастда қолди якка чўп ёлғиз,
Юқоридан ўтганим замон,
Пастга назар ташлайман ҳаргиз.
Салом сенга кўҳна кўпригим,
Сен болалик, сен гўё отам.
Умуртқангда кечган шўхлигим,
Ҳазилларим кечиргин сен ҳам...

ТАҚДИР

Мен киминдур излайман,
кимнингдир менга,
Бир умр
йўлдош бўлиши бордир.
Мен киминдир излайман,
кимнингдир менга,
Бир умр
кўмакдош бўлиши бордир.
Мен киминдир излайман,
кимгадир атаб
Қасида ёзаман тонггача.
Кимдир хаёл суриб, хаёл
оғушида
У ҳам
уйқу қуролмас субҳидамгача.
Ҳа мен ўшани излайман,
у эса мени,
Биз албатта учрашиб, аҳд
қиламиз бир.
Лек шунда қайлардан пайдо
бўлару
Халқ оғзида аталур тақдир.

Абдулла МАЪДИЕВ.

* * *

Айвонга дон сепдим,
Кўп эмас, жиндақ.
Аслида дон эмас, чиқинди —
курмак.
Шу кундан чумчуққа тўлди
айвоним,
Бир ажиб қуш бозор бўлди
айвоним.
Шу кундан эринмай гуручдан
жиндак
Ажратиб сепаман шолию,
курмак.
Чумчуқлар келганда ўйлайман
ҳар кун:
«Яхшилик бор жойга
келаркан ҳар ким».

Азиз АБДУРАЗЗОҚ.

КИМСА ЭШИТМАСИН

ИНТЕРМЕДИЯ

(Доктор Заҳилжон ўз кабинетида виқор билан папирос тутатиб ўтирган эди, эшик қия очилиб Баҳилхўжа кирди).

БАҲИЛ — Мумкинми ўртоқ доктор.

ЗАҲИЛ — Марҳамат. (Баҳил докторга яқин келиб, кўп йиллик қадрдондай ҳол-аҳвол сўрашади).

БАҲИЛ — Бу деймаи, ўртоқ доктор, сизнинг шифобахш донгингизни эшитиб, жуда олисдан келяпман; шоядки, дардимга бир илож айласалар, деб.

ЗАҲИЛ — Хўш, қаерлари оғрийди? Хириллашингизга қараганда «касал» томоғингизда бўлса керак. Қани оғзингизни каттароқ очинг-чи.

БАҲИЛ — Йўқ докторжон, томоғим соппа-соғ.

ЗАҲИЛ — Хўш, томоқлари соппа-соғ бўлса касал қаерда? Қон босимими, ёки юрагингиз алғов-далғов бўлиб турадими?

БАҲИЛ — Ҳеч қаерим оғримайди, касалим нимадан иборат эканлиги аниқ эмас, ўртоқ доктор. Фақат ўқтин-ўқтин ичимда олов ёнганга ўхшаб, бурнимдан аччиқ дуд чиқиб, ўзимдан-ўзим хуноб бўлиб бўғилавераман. Ўша онларда кўз олдим қоронғулашиб, ўзимни беҳол сезаман.

ЗАҲИЛ — Ҳимм. Тишларингиз ғижирлаб кетадими?

БАҲИЛ — Топтиз, ўртоқ доктор, тишларим тақиллаб, кўринган нарсани тишлагим келалаверади.

ЗАҲИЛ — Яхшиям тишингиз йўқ. Касалингиз менга маълум бўлгандек. Хўш, масалан, яъни қай вақтларда шунақа вазиятда бўладилар?

БАҲИЛ — Айтавераймп?

ЗАҲИЛ — Менга айтмасангиз, кимга айтасиз? Масалан, қай вақтда асабингиз бузилади?

БАҲИЛ — Тенгқурлардан ёки ошна оғайнилардан биронтаси тузукроқ лавозимга кўтарилса, ҳурматланса...

ЗАҲИЛ — Бўлди, бўлди, сиз кўролмаслик дардига йўлиққан экансиз. Бу — бизнинг тилда жизғанаки, дейилади.

БАҲИЛ — Топтингиз ўртоқ доктор, топдингиз. Менинг касалим ўшанақасидан.

ЗАҲИЛ — Бу ёмон касал. Мен уни сизга белгиларини айтсам, биров тинч, бадавлат яшаса, сиз бўғиласиз.

БАҲИЛ — Шундай-шундай, ўртоқ доктор.

ЗАҲИЛ — Бирорта кўни-қўшнингизнинг қизига совчи келса ёки ўғлини уйлантирмоқчи бўлса, бориб айнатиб келмасангиз ухлолмайсиз-а?

БАҲИЛ — Оббо докторжон-ей, кўни-қўшнимни айтасиз, акамнинг ўғли яъни жияним яқинда бир қизга совчи қўйётган эди. Қизнинг отасини ахтара-ахтара Тўйтепадан топиб «жияним пиянистa, қизингизни бера кўрманг, ўтдай куясиз» деб айнитиб тинчидим. Жоп доктор, шу касалдан мени қутқазинг. Одамларга қўшилолмай қолдим.

ЗАҲИЛ — (товушини секинлатиб) Ростини айтайми, дардингизга даво топилса менга ҳам хабар қилинг, илтимос.

БАҲИЛ — Э, ўзлари ҳам...

ЗАҲИЛ — (қўлини оғзига қилиб) Тисcс... ҳечким эшитмасин.

Ж. АСОМИДДИНОВ.

САВОЛ-ЖАВОБ БУРЧАГИ

БИРИНЧИ СОВЕТ ОРДЕНИ

Ҳурматли редакция!
Ҳукуматимизнинг биринчи ордени қайси ва у қачон таъсис этилган? Биринчи марта кимга берилган? Шу ҳақда маълумот беришингизни илтимос қиламан.

Абдуҳаким ҲАМИДОВ,
Тошкент тўқимачилик институти студенти.

1918 йилнинг 2 сентябрида Бутунроссия Марказий Ижроия Комитети ҳарбий қисмларни фахрий революцион байроқлар ва Қизил Армиянинг алоҳида жасорат кўрсатган жангчиларини нишонлар билан мукофотлаш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Ўша йилнинг 15 сентябрида ВЦИК бевосита жангда иштирок этиб, мислсиз мардлик ва жасорат кўрсатган гражданларни мукофотлаш учун Қизил Байроқ ордени нусхасини тасдиқлади. Бу, биринчи совет ордени эди.

Мукофотланганларга орден билан бирга эсдалик ҳам топширилларди. Эсдаликда қуйидагилар ёзилганди:

«Мукофотланган киши шу нарсани билиши зарурки, ушбу мукофот унга меҳнаткашлар оммаси хоҳиш-иродаси билан кўпчилик ичида энг муносиби ва энг яхшиси деб топилгани учун берилди. Шу сабабли у ўз хулқи билан ҳамиша, ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда онглилик, мардлик ва революцияга садоқат намунасини кўрсатиши лозим».

Қизил Байроқ ордени билан биринчи марта жангларда довруғ таратган ҳарбий бошлиқ Василий Константинович Блюхер мукофотланган. Ундан кейин бу олий мукофотни И. Э. Якир олишга сазовор бўлди.

Г. К. Оржоникидзе, М. И. Калинин, С. М. Киров, Ф. Э. Дзержинский, М. В. Фрунзе, В. В. Куйбишев, С. М. Будённий, К. Е. Ворошилов, Н. И. Подвойский, С. К. Танюшенко, Г. И. Котовский, В. И. Чапаев, А. Я. Пархоменко, С. С. Каменев, А. И. Корк, М. К. Тухачевский ва мамлакатнинг бошқа кўзга кўринган ҳарбий давлат ва сиёсий арбоблари Қизил Байроқ орденининг биринчи кавалерларидан эдилар.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) тузилгач Қизил Байроқ ордени 1924 йилнинг 1 августида СССР ордени қилиб тасдиқланди.

Улуғ Ватан урушида қаҳрамонлик кўрсатган бир неча юз минг жангчи ана шу орден билан тақдирланди. Қизил Байроқ ордени кишиларга фақатгина Ватан олдидаги жанговар хизматлари учун берилади.

О. РАЕВСКИЙ,
запасдаги полковник.

ҚАЙБИРИНИ БИЛИБ, ҚАЙБИРИНИ БИЛМАЙСИЗ?

● Ер атмосферасининг оғирлиги тахминан 5,3 квадрильон тоннага баравар. Диаметри 10 километр бўлган мис шарнинг ҳам оғирлиги шунга тенг келади.

● Планетамиз тепасида бир кеча-кундуз мобайнида 200 мингга яқин момақалдироқ бўлади. Демак, ҳар секундда осмонда юзга яқин чироқ ёқилади.


● Атмосферада доимий суратда 10 миллиард тонна сув буғи бўлади. Ер юзасининг ҳар гектар майдонига ўртача 200 тонна сув буғи тўғри келади.

● Дунёда — энг йирик денгиз Миражон денгиз ҳисобланади, унинг сатҳи 4791 квадрат километр. Энг чуқур жойи 9 километрдан ортиқ.

● Жаҳондаги жуда кўп шаҳарларда телевизион миноралар бор. Қоҳира, Белград, Лондон, Париж, Ленинград ва бошқа жойлардаги телеминоралар булутларга етай деб қолган. Токиодаги телеминора ҳозирча дунёда энг баланд иншоотдир. Унинг бўйи 330 метр.

Яқин орада бу «рекорд» ҳам орқада қолади. Негаки, Москвада қурилаётган гигант телевизион миноранинг баландлиги 533 метр бўлади. Янги минора ишга тушгач, Москва телевизион эшиттиришларининг ҳажми тўрт баравар кенгаяди, келаси йилдан рангли телевидение эшиттириш программалари намойиш қилина бошлайди.





НИЛУФАР ШАЙДОЛАРИ.

А. Абалян фотоэтюди.

ЎН МИНГ КУНЛИК АЙРИЛИҚ

Қурувчи Сайёра Қосимованинг оёғига ғишт тушиб кетиб, бироз шикастланди. У уч-тўрт кун касалхонада ётиб, шифо топди, кейин уйига қайтди.

Сайёранинг дўстлари уни кўргани келишди. Ўзбек қизи қурилишда москвалик Сергей Васплин билан дўстлашиб қолган эди. У ҳам Сайёраларникига кўнгил сўрашга келди.

Сайёранинг ҳамкасблари келганини эшитган Анна Петровна ҳам бирпас кўнгил очиб келай деб уларникига чиқди. Ёшлар билан бироз чақчақлашиб ўтирди. Кейин эса кўнгли аллапечук бўлиб кетди. Сергейнинг аллақаерларини марҳум эрига ўхшатди. Унинг юз тузилиши, бўғиқроқ овози ҳам худди эриники. Кўзига ёш келди-ю, буни сездирмай ташқарига чиқиб кетди.

Меҳмонлар кетгандан кейин Сайёра Анна Петровнадан нега хафа бўлганини суриштирди. Анна Петровна урушдан олдин Москвада яшаганини, кейин икки яшар ўғлини йўқотиб қўйганини, сўнг урушга кетган эридан қора хат олганини, ўшандан бери ёлғиз яшаётганини сўзлаб берди.

Сайёра ҳам Сергейнинг ота-онаси йўқлигини, москвалик эканлигини биларди. Уруш йиллари озмунча оналар фарзандларидан жудо бўлганми? Бир неча йиллик айрилиқдан сўнг она-болалар дийдор кўришаётгани ҳақида газеталарда ўқиган, одамлардан эшитган эди. Ажаб эмас Анна Петровна ҳам ўғлини топиб олса...

Сергей Сайёраларникига иккинчи бор келганда Анна Петровна бошдан ўтган воқеаларнинг ҳаммасини унга гапириб берди. С. Васплин кекса онанинг ҳар бир сўзини ҳаяжон билан тинглади. Шунда болалар уйида исмини аранг айтиб берганини, фамилиясини эса билолмаганини чала-чулпа кўз олдига келтирди.

Анна Петровнанинг хаёлига бир нарса келиб қолди. Ўғли энди юрабошлаганда дардга чалинганини ва докторлар оёқ жимжилоғини кесиб ташлаганини айтиб ҳам улгурмаган эдики, Сергей ўрнидан туриб Анна Петровнани қучоқлаб олди.

— Она, онажон, ўша менман. Мана оёғимга қаранг.

Ўн минг кунлик жудоликдан сўнг она-бола ўзбек хонадонида шундай дийдор кўришишди.

М. ЗОКИРОВА.

ШИНГИЛ ҲАЖВИЯЛАР

ИШҚИБОЗ

ХОТИН: — Эр, ўта кетган футбол ишқибозисиз. Ҳамма ўйинлар жадвалини, қайси учрашув қачон бўлгани, ким гол урганини ёддан айтиб берасиз. Аммо никоҳ тўйимиз бўлган кунни эса эсдан чиқариб юборгансиз.

ЭР: — Бўлмаган гап, жонгинам, ҳаммаси эсимда турибди. Тўйимиз куни «Пахтакор» «Зенит»ни қабул қилиб 2:0 ҳисобида ютган. Биринчи таймнинг сўнгги минутида Красницкий узатган тўпни Абдураимов, иккинчи таймнинг 35-минутида Абдураимов бурчакдан тепган тўпни Красницкий киритган. Пшеничников эса учрашув охирида ўнбир метрлик тўпни қайтарган.

ТЎҒРИ РЕГЛАМЕНТ

Президиум сайланиб, мажлис бошланди. Раислик қилувчи кун тартибини ўқиб бўлиб, каттакон зални тўлдириб ўтирган мажлис аҳлига мурожаат қилди:

— Регламент белгилаб олсак. Докладчи бир соат вақт сўраяпти. Қаршилар йўқми?

— Йўқ, — залдан баравар овоз чиқди.

— Музокарага қанча вақт берамиз?

— 10 минут.

Мажлис раиси таклифни овозга қўймоқчи бўлиб турган эди, ўтирганлардан бири қўл кўтариб қолди.

— Мен музокарага ўн бир минут берилишини таклиф қиламан.

Ҳамма бирдан кулиб юборди. Кейин ҳайрон бўлиб ҳалиги кишига қарашди. У жиддий ўтирарди.

— Таклифингизда асос борми? — сўради раис.

— Асосим бор, — у ўрнидан боягидай вазмин туриб гап бошлади. — Ҳаргал музокарага ўн минут берилади. Аммо нотиқлар сўзини тугатишолмайди. Шунда раис сўзни бўлиб, вақтингиз тугади деса, яна бир минут сўрайман, деб туриб олишади. Яхшиси бир йўла ўн бир минут бериб қўяқолайлик.

Шу куни мажлисда ҳеч ким ўн минутдан ортиқ гапирмади.

Т. МИРҲОДИЕВ.

ЦСКА ЯРИМ ФИНАЛДА

ФУТБОЛ

Пойтахтнинг Марказий армия спорт клуби футболчилари СССР Кубоги мусобақаларида биринчи бўлиб ярим финалга чиқишди. Армиячилар ўтган куни пойтахт темирйўлчиларини 2:1 ҳисобида мағлубиятга учратишди.

Ўйин ниҳоятда кескин ўтди. Шулятицкийнинг 11 метрлик тўпига Петров жавоб тўпи қайтарди. Сўнгра Масляев ўз командасини олдинга олиб чиқди. Шундай қилиб СССР кубогини биринчи марта қўлга киритишга муяссар бўлган Москванинг «Локомотив» футболчилари фахрли соврин учун курашиш ҳуқуқидан маҳрум бўлдилар.

Марказий армия спорт клуби футболчилари ярим финалда «Нефтяник» — «Пахтакор» учрашувининг ғолиби билан беллашадилар.

Редактор ўринбосари
Т. РАСУЛЕВ.

ТУРИСТИК БЮРО

Чирчиқ шаҳрида меҳнаткашларнинг дам олиш кунларини кўнгилли ўтказишга ёрдам бериш учун туристик бюро ташкил этилган. У шаҳардан ташқарига саёҳатга бориш учун автобуслар заказ қилиб беради. Экскурсантларни палаткалар, сафар жабдуқлари билан таъминлайди.

Агар Ўзбекистон шаҳарлари бўйлаб саёҳат қилувчилар бўлса, бюро уларга бундай сафарни уюштиришда ёрдам беради. Бундан ташқари турли маршрутлар бўйича туристик поездларга путевкалар тақсимлайди.

Шаҳар меҳнаткашлари экскурсион туристик бюро ишидан ғоятда мамнун бўлмоқдалар. Бу бюро ёрдамида 500 дан ортиқ киши туристик сафарларга борди. Иссиқкўлга, Оқтош, Бурчмулла, Нанай, Чорвоқ қишлоқларига ҳамда Самарқанд шаҳрига кўпкишилик саёҳатлар уюштирилди.

Ҳозир туристик бюро шаҳар меҳнаткашларидан ҳар куни кўплаб буюртмалар қабул қилмоқда.

РАССОМ ХАНДАСИ



Шуҳратпараст чўкаётганида...



«Пахтакор» мухлисининг таклифи.





— Квартирангиз шинамгина экан, биродар.

— Э... Э... Э...



Буйдоқ қуймоқ пишириляпти.

А. Холиқов чизган расмлар.

АПН ХАБАР БЕРАДИ

ШОЛОХОВГА ЕҚҚАН ЁНҒОҚ

Ҳаваскор боғбон Владимир Глаголев Жанубий Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида ёшовчилар орасида энг кўп хат оладиганлардан бири. Бу хатларнинг ҳаммасида ундан бир нарсани сўраб илтимос қилишади — тезпишар ёнғоқ уруғини юборинг, деб сўрашади. Бу нав ёнғоқни Владимир Глаголев ўн йил ўтказган тажрибасидан сўнг топган.

Яқинда Қозоғистонда чиқадиган «Ленинская смена» газетасининг хабар беришича, Владимир Глаголев тезпишар ёнғоқ уруғи солинган посилкани Вешенское қишлоғига юборди. Кейин жавоб хати олди: «Қимматли Владимир Александрович! Посилка учун раҳмат. Боғбонларимиз яна 20 та посилка юборишингизни ўтиниб сўрайдилар. Сизнинг Михаил Шолоховингиз».

Чимкентлик селекционер ёнғоғи Ўрта Осиё, Қрим ва Кавказнинг кўпгина совхозларида доимий ўстирилмоқда.

ЯЙЛОВДА КЎМИР ЁМҒИРИ

Бу йил Қирғизистон Фанлар академияси кимёгарлари ва геоботаникларп тоғларда қизиқ тажриба ўтказишди: Чон-Курчак яйлоғига улар вертолетлар билан гуминли (емирилган оксидли) тошкўмир порошогини сепдилар. Қора рангли бўлган «кўмир ёмғири» тупроқнинг қуёш нури билан яхшироқ қизишига ва ўтларнинг тез ўсиши ҳамда ҳосилдорлигининг ошишига ёрдам берди.

Қирғиз олимлари ўз тадқиқотлари билан тоғларда денгиз сатҳидан 4 минг метргача бўлган баландликда ўтларни сепмай туриб, яйловларни яхшилаш имконияти борлигини кўрсатдилар. Улар таклиф этган тавсиялар фақат Қирғизистон учунгина эмас, денгиз сатҳидан икки-тўрт минг метр баландликдаги бошқа зоналарда ҳам амалий аҳамиятга эгадир.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 10.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 11.00 — **Кинофильмлар** (болалар учун), 11.50 — **Яланғоёқ гарнизон** (телефильм), 12.10 — **Телефильм.**

Ўзбек тилида: 13.00 — **Оталар изидан** (болалар учун), 13.50 — **Сеҳрли халат** (бадиий фильм), 15.05 — **Соғлом танда — соғ ақл** (тележурнал), 16.55 — **Эшиттиришлар программаси**, 17.00 — **Мультфильм** (болалар учун), 17.10 — Ярим аср йилномаси. **Улар бахтимиз учун курашганлар**, 17.45 — **Теле-янгиликлар** (рус тилида).

Рус тилида: 18.00 — **Фрунзе телестудиясининг эшиттиришлари.**

Ўзбек тилида: 21.00 — **Якан** («Ёшлик» студияси), 21.40 — **Теле-янгиликлар**, 21.55 — **Эстрада усталарининг** концерти.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 17.55 **Эшиттиришлар программаси**, 18.00 — **Тошкент пиёласи**, 18.15 — **Совет санъати усталари. Гоар Гаспарян.**

Рус тилида: 19.05 — **Урмон** (фильм-спектакль).

ТЕАТР

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 20/VIII да **Гули сиёҳ**, 21/VIII да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Катта шаҳар — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Симладаги муҳаббат — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Розмари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

(кеч соат 8.45 минут ва 10 яримда)

Қишлоқ муаллимаси — «ХИВА».

Қорғарчилик — «РАКЕТА».

ТОШКЕНТ АЛОҚА ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА

Тошкентда ва Тошкент областида ишлаш учун республика шаҳарлари автомат телефон станциялари монтажи бўйича **монтёрлар** ва Тошкентда ва Тошкент областида ишлаш учун ҳамма разряддаги **тармоқчилар**

ҚЕРАК.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 69-Қорасарой проезди, 3-уй (42, 43, 56-автобусларнинг «Автопарк» тўхташ жойи) телефонлар 4-08-12, 4-03-16.

«УЗЭНЕРГОСБИТ»

электрдан фойдаланганлик учун счёт ёзиш ўзларига топширилган кишиларга таклиф қиладики,

электр учун

ҳар ойнинг 1 кунидан 11 кунигача счёт ёзиб, тегишли пулни Госбанкнинг кирим омонат кассаларига тўласинлар.

Ўтган вақт учун қарзлари бўлган

абонентлар уни дарҳол тўлашлари лозим.

Счётлар ўз вақтида тўланмаса, электр огоҳ қилинмасдан узиб қўйилади.

УЗЭНЕРГОСБИТга

Электр счётчикларини ўрнатиш ва алмаштирувчи электр монтёрлари, электр энергия учёти бўйича контролёрлар, электр слесарлар касбига шогирдлар, инженерлар, техник-электриклар ва машинистка

ҚЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, 1 Май кўчаси, 101 уй (1, 2, 3, 4, 5, 13, 14 трамвайларнинг «Дизельний» остановкаси), кадрлар бўлими, Телефон № В-3-19-242.

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети меҳнаткашлар депутатлари область Советининг депутати генерал-майор, Совет Иттифоқи Қаҳрамони

Анатолий Андреевич КРАСНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оиласига таъзия изҳор этадилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р. 01147. Индекс 64970 А. 1727.